



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 9 ноябр, жума № 175 (1189)


СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ҚУВАСОЙ ФАХРИ

«Кувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти республика-миздаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқаришда тадбиркорликни жорий этиш жамоанинг асосий мақсадларидан саналади. Ана шу маънода яқинда жамият қошида черепица цехи ишга туширилди. Эндиликда маҳаллий хом ашёдан экологик тоза қурилиш ашёси ишлаб чиқарилмоқда. Цехда ишлар икки сменада ташкил этилган бўлиб, ҳар сменада 100 квадрат метр қурилиш материаллари тайёрланмоқда. Янги цехнинг ишга туширилганлиги яна 78 нафар кишини иш билан таъминлашга имконият яратди.

Суратларда: шифер ишлаб чиқариш цехи ишчилари Миродил Абдуллаев ва Хусанбой Мамажонов; цехнинг илгор ходими Саидали Эминов. **Б.ҲАМРОҚУЛОВ** олган суратлар.



ТОШКЕНТДА ЮНФПА МАЪРУЗАСИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Тошкентда БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг (ЮНФПА) ҳар йилги маърузаси тақдими бўлиб ўтди. ЮНФПА мутахассислари тахминларига кўра, 2050 йилга келиб сайёраимиз аҳолиси 9,3 миллиард кишини, жумладан, Ўзбекистон аҳолиси 40,4 миллион кишини ташкил этади. Ер шарни аҳолисининг ўсиши турмуш сифати ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шу сабабли ЮНФПА тадқиқотлар ўтказиш ва тахминлар қилиш билан бирга, Ер шарни аҳолисининг кўпайиши оқибатида юзга келадиган муаммоларни ҳал этиш йўллари ҳам тақлиф этмоқда.

ЮНФПAnинг Ўзбекистондаги минтақавий директори ва вакили Константин Соколовнинг қайд этишича, ЮНФПAnинг Ўзбекистондаги бўлими республика ҳукумати ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан яқин ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Ўзбекистон репродуктив саломатлик уюшмаси эса жамғарманинг ихрочи агенти ҳисобланади. Чунинчи, жорий йилнинг 19 сентябрида Аҳолишунослик жамғармаси ва Ўзбекистон ҳукумати бир йилга мўлжалланган ва ЮНФПА томонидан молиялаштирилладиган «Усмирлар учун ишонч кабинети», деб номланган янги лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битимни имзолади.

(ЎЗА):

«АВТОАМБУЛАНС» ТОҒЛИҚ ҚИШЛОҚЛАРДА


«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимига қарашли «Автоамбуланс» машиналарини Сурхондарёнинг узок тоғ қишлоқларида, дашту биёбонларида тез-тез учратиш мумкин. Малакали врачлар ҳамда зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳи чекка қишлоқларда яшовчи тўққиз мингга яқин оилага тиббий хизмат кўрсатмоқда. Тугиш ёшидаги аёллар, болалар, ногиронлар, ўсмирлар кўриқдан ўтказилиб, малакали ёрдам ёки врачлик маслаҳати, лозим бўлганда, тиббий муассасаларга йўлланма бериляпти. Бундан ташқари, гуруҳ кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, боқувчисини йўқотганларга ҳам ижтимоий ёрдам кўрсатмоқда. Улар санитария-гигиена воситалари, дори-дармон, кийим-кечаклар билан таъминланмоқда.

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг фаолият доираси кенг. Наврўз байрами кунларида Денов туманидаги 67-максус интернат-мактаб тарбияланувчиларига 300 минг сўмлик, Бойсундаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига 450 минг сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Бу жойларда тарбияланаётган болаларнинг суннат тўйлари ўтказилди.

Жамғарма «Она ва бола» давлат дастурида белгиланган бошқа тадбирлар, хусусан, болаларни жисмоний чинқиришига қаратилган спорт мусобақаларини ўтказишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ёшларни оила қуришга тайёрлаш бўйича доимий ишловчи 16 та курс очилиб, у ерда 3 минг 800 нафар ёш йигит-қиз ўқитилди. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш бўлиmlари ҳузурида ташкил этилган доимий курсларда минглаб ёшлар никоҳ туғрисида тушунарлар олди. Шунингдек, Конституциямизнинг жамиятдаги роли, аҳамияти, мазмун ва моҳиятини ёшлар онгига синдиришда вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан бирга ўтказилаётган «Бахтли келажак Комуни» мавзусидаги кўрик-танлов ҳам жамғарма амалга ошираётган хайрли ишлардан биридир.

ловлар ўтказиш мумкин, деди. Биринчидан, президент ўз ихтиёри билан лавозимдан кетса, иккинчидан, конун бузилганда, конун нисбатан парламент ишончсизлик билдирса, учинчидан, президент вафот этса. Ҳозирча ушбу уч ҳолатдан бирортаси ҳам рўй бергани йўқ.

Грузия жамоатчилиги парламентнинг фавқулодда сессияси натижаларини кутмоқда. Унда парламентнинг янги раисини сайлаш лозим бўлади. Ҳозирча истефода чиққан Зураб Жвания ўрнига уч номзод даъвогарлик қилиши мумкин, деб тахмин қилинмоқда.



фикрича, унинг ваколатини тугатишга ҳозирча ҳеч қандай конституциявий асос йўқ. Грузия раҳбари ушбу фикрини изоҳлар экан, уч ҳолатдагина президентлик ваколатини бекор этиш ва мuddатидан илгари сай-

Жамоа шартномаси амалда

Касаба уюшма ташкилотларининг иш берувчилар билан ижтимоий ҳамкорлигини мустақамлашнинг асосий воситаларидан бири — жамоа шартномаларидир. Чунки меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза этишда жамоа шартномалари ва келишувлар касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқларини рўйбага чиқаришнинг асосий омили ҳисобланади. Шу боисдан ҳам республика Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси билан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар Агентлиги, «Ўзбектелеком», «Матбуот таркатувчи» ҳамда «Ўзбекистон почтаси» Давлат акционерлик компаниялари ўртасида 2000-2002 йилларга мўлжалланган жамоа келишувлари тузилганди. Ҳўш, ушбу ҳужжатлар қўтилган самарани бериши учун қандай ишлар амалга оширилмоқда. Мухбиримиз Неъмат РАФИҚОВнинг тармоқ касаба уюшма Марказий кўмитасининг раиси Тоҳир НАЗАРЖОНОВ билан қилган суҳбати шу ҳақда бўлди.

ҲАММАСИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, белгиланган мажбуриятлар асосан бажарилаяпти, — деди Марказий кўмита раиси. — Шу жумладан, почта ва телекоммуникация соҳаси ходимларининг ўртача ойлик маошлари 20,3 минг сўмга етган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан бир ярим баравар кўпдир. Бундай кўрсаткичга қандай эришилмоқда? Биз 1996 йилдан бошлаб келишув ҳамда жамоа шартномаларининг

бажарилишини таъминлаш бўйича назорат тизимини ташкил этгандик. Унда жамоа шартномаларининг бажарилиши тахлил этиб борилди ва бирлашган касаба уюшма ҳамда бошлангич ташкилотлар ҳар 3 ойда, ярим йил ҳамда йил охирида мазкур ҳужжатнинг бажарилиши юзасидан бизга маълумотномалар юбориб туришади. Тахлил жараёнида ишимиздаги камчиликлар билан

(Давоми 2-бетда)

ҚУДУҚДАН СУВ ЧИҚДИ

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги «Умид-2001» ишлаб чиқариш фирмасига тадбиркор йигит Самандар Муҳаммедов раҳбарлик қилади. Яқинда бу жамоа аъзолари қудуқларни таъмирлаш цехини ишга туширди. Натижада яна 5 киши иш билан таъминланди. Цехда қудуқни таъмирлашда ишлатиладиган механизмлар ишлаб чиқарилмоқда. Унинг махсуслотлари Зарафшон воҳаси ҳамда Оролбўйи биуртмачиларига етказиб берилмоқда. Бу чўл худудда меҳнат қилаётган чорвадор ва деҳқон-фермерлар учун катта имконият яратди. Ҳозиргача тадбиркорлар 250 дан зиёд қудуқдан зилол сув чиқаришга эришди.

(ЎЗА).

Касаба уюшмалари иш тажрибасидан

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК

Касаба уюшмалари битимлари ва жамоа шартномалари имкониятларидан тўла фойдаланиш, ижтимоий шерикчилик тамойилларини иш жараёнида қўллашга жиддий эътибор берилаяпти. Ижтимоий шерикчилик тамойилларига асосланиб, уч томонлама ҳамкорлик, — товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида тузилган 2001-2003 йилларга мўлжалланган Битимнинг ижроси асосий эътиборда турибди. Эндиликда шаҳар ва қишлоқларда инфратуризмни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, кам таъминланган ва кўп болали оналарга ёрдам бериш, пенсия, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида эгаларига етказиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларни электр энергияси, газ, телефон, коммунал-маиший хизматлар тўловида қўллаб-қувватлаш каби масалалар ўз ечимини топмоқда.

Хозир вилоятда 433335 нафар касаба уюшма аъзолари бўлиб, улар 3380 та бошлангич ташкилотларга бирлашган. Тузилмамиз ҳисобида 7 та вилоят тармоқ кўмитаси, касаба уюшмалари кўмиталари раисларининг 4 та тармоқ кенгаши, 1 та бирлашган касаба уюшмаси, 34 та туман, шаҳар кўмиталари ишлаб турибди.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг асосий мезолига айланган. Бу вазифани амалга оширишнинг ишончли ва синалган воситаси ҳисобланган тармоқ

битимлари ва жамоа шартномалари имкониятларидан тўла фойдаланиш, ижтимоий шерикчилик тамойилларини иш жараёнида қўллашга жиддий эътибор берилаяпти. Ижтимоий шерикчилик тамойилларига асосланиб, уч томонлама ҳамкорлик, — товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида тузилган 2001-2003 йилларга мўлжалланган Битимнинг ижроси асосий эътиборда турибди. Эндиликда шаҳар ва қишлоқларда инфратуризмни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, кам таъминланган ва кўп болали оналарга ёрдам бериш, пенсия, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида эгаларига етказиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларни электр энергияси, газ, телефон, коммунал-маиший хизматлар тўловида қўллаб-қувватлаш каби масалалар ўз ечимини топмоқда.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга биноан 2001-2005 йилларда Бандлик дастури ишлаб чиқилган. Янги иш жойлари барпо этиш ва фуқароларни ишга жойлаштириш квоталари ўрнатиш бўйича меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ўтказиб турилди.

Илмининг ўтган даврида меҳнат бозорига 16 мингдан ортиқ фуқаро чиққан бўлса, улардан 11 мингга яқини иш билан таъминланди. 2925 кишига ишсизлик нафақаси тўланмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тадбиркорлик тузилмаларини кенгайтириш ҳисобига вилоятда 31476 иш ўрни яратилди. Ишсиз юрган фуқаролардан 901 нафари қайта касбга тайёрланди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолидан 3844 нафари квота ўринлари орқали ишга жойлаштирилди.

(Давоми 2-бетда)

Ангрен шаҳридаги мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларига қаҳратон қишнинг аёзли кунлари энди кўрқинчли эмас. Чунки мавсумга ҳар қачонгидан кўра яхши тайёргарлик кўриб қўйилди. Хусусан, хийлагина оғир аҳволда бўлган тўққиз мактаб ва иккита болалар боғчаси қайта таъмирланди, уларнинг иситиш тизими тўзатилади. Шу мақсадлар учун салкам 13 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

ОТАЛИҚ ТАШКИЛОТЛАР ҲОМИЙЛИГИДА


Мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг имкониятларини излаяпмиз, — дейди шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Исроиллов. —Айни кунларда мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида оталиқ ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, муаммоларни биргаликда ҳал этиш чоралари белгиланмоқда. Бунда нафақат таъмирлаш ва ободонлаштириш, балки, таълим-тарбия ишларини юксалтириш билан боғлиқ масалаларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Мактабларга кўрсатилаётган бундай ҳомийлик ёрдамлари туфайли фан кабинетларини жиҳозлаш ва компьютер билан таъминлаш имкони тугилмоқда. Шаҳардаги 7-мактаб жамоаси ана шундай имкониятни биринчилардан бўлиб қўлга киритди.

(ЎЗА).

ҲОЗИРЧА АСОС ЙЎҚ

Грузия президенти Эдуард Шеварднадзенинг



фикрича, унинг ваколатини тугатишга ҳозирча ҳеч қандай конституциявий асос йўқ. Грузия раҳбари ушбу фикрини изоҳлар экан, уч ҳолатдагина президентлик ваколатини бекор этиш ва мuddатидан илгари сай-

СЎНГГИ ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ТАЛОФАТ УСТИГА ТАЛОФАТ

Афғонистонда толиблар қучларига ва террорчилар ўчоқларига зарбалар бериш давом этмоқда. Натижада улар қўллаб жангарилари ва техникавий воситаларини йўқотмоқдалар. Бунинг боиси, АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳужумда янгича тактика қўлла-ганликларидир. Хусусан, «В-52» самолётлари иштирок этиб, энг замонавий «ЛЮ-22» ракеталарини ташладилар. Зотан, мазкур ракеталар ўта катта кучга эга бўлиб, биттасининг ўзи 1,5 километр кенгликда, ниҳоятда чуқур бўлган вайроналиклар ҳосил қилади.

ПАРВОЗДА ЯНА «КОНКОРД»

Йўловчиларни ташишда одатда турли хил ҳаво кемаларидан фойдаланилади. Булар орасида катта эга бўлиб, кичиклари ҳам бор. «Конкорд» фуқаролик самолёти улар қаторида энг нуфузли ўринларни



эгаллаб турган эди. Бироқ унинг парвозлари АҚШда рўй берган фожеали воқеалардан сўнг тўхтатиб қўйилган эди. Ниҳоят, «Конкорд» яна парвоз қила бошлади. Унда биринчилардан бўлиб Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Париждан Вашингтонга йўл олди.

ЖАК ШИРАК АМЕРИКАДА

Куни кеча Франция президенти Жан Жак Ширак АҚШга сафар қилди. У Американинг олий мартабали раҳбарлари билан халқаро терроризмга янада қатъиятчан зарбалар бериш хусусида музокара-лар олиб боради. Шу орада президент БМТ қароргоҳида сўзга чиқди ва ўз давлатининг мазкур жараёнда қатнашиш тамойилларини тушунтириб берди.

ЭНГ ЙИРИК ПУЛ

Туркияда дунёдаги энг йирик қийматга эга бўлган пул — 20 миллион лирлик қоғоз валюта муомалага

чиқарилди. Унинг баҳоси 12,5 АҚШ долларига тенг. Оғир иқтисодий тангликни бошдан кечириётган Туркияда бундан икки йил аввал 10 миллион лирлик пул чиқарилган эди. Ушунда ҳукумат бу охириги «ўсиш» бўлади, деб ваъда берган эди. Аммо, гап бош-қа, иш бошқа бўлди.

ТАНКЛАР ОЛИБ КЕТИЛМОҚДА

Сўнги кезлардаги кескин иштилофлар натижасида Исроилнинг кўпгина танклари Фаластин муҳториятининг айрим шаҳарлари ва минтақаларига киритилган эди. Кейинги кунларда музока-

ралар муҳитини қайта тугдириш мақсадида ҳар икки томондан ижобий қадамлар қўйилмоқда. Ана шулардан бири Рамаллах шаҳридан Исроил танкларини олиб чиқиб кетиш бўлди. Бироқ, бундай сазой-ҳаракатдан кейин ҳам ўртадаги қуролини тўқнашувлар давом этди. Куни кеча рўй берган отишмалар натижасида 5 нафар фаластинлик ва 1 нафар Исроил зобити ҳалок бўлди.



«Интернет» ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

КАСАБА УЮШМА ВАКИЛИ ХОРИЖДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг таъбибуоти ва кўллаб-қувватлаши натижасида Ўзбекистон Ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитасида ҳам хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ташкил этилди.

Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш, саломатликларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қулай меҳнат шароитларини яратиш, хотин-қизларнинг оила ҳамда жамиятдаги маънавий юксалтириш, ҳуқуқий савияларини ошириш каби масалалар комиссиянинг асосий вазифалари сирасига кирди. Шунингдек, мазкур комиссия аёлларимизга белгиланган имтиёз ва кўллаб-қувватлашнинг ўз вақтида бажарилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориб, куйи касаба уюшма кўмиталари фаолиятини мувофиқлаштирилади. Бугунги кунда барча вилоят касаба уюшма кўмиталари ҳамда корхона ва бирлашмалардаги касаба уюшмаларида аёллар масалалари бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилган. Уларнинг тузишдан мақсад — тармоқда меҳнат қилаётган хотин-қизлар муаммоларини ўрганиб, уларни бартараф этиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, касбий тайёргарлиги, малакаси, билимини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришдир.

Бугунги кунда Марказий кўмига тасарруфидоги корхона ва ташкилотларда 230 минг нафардан зиёд касаба

Истиқлол берган имкон

уюшма аъзолари меҳнат қилмоқда. Уларнинг 35 фоизини аёллар ташкил этади. Тармоқда иш шароитлари оғир ва зарарли бўлган жойлар ҳам бор. Марказий кўмига қўшида тузилган хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, энг аввало она — ҳаётимиз давомчилари, соғлом авлод бунёдкорлари эканликларидан келиб чиққан ҳолда етарли меҳнат шароитлари яратиш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояни янада кучайтириш, айрим муҳофазлага муҳтожларни аниқлаб, касаба уюшмаларини бундан хабардор этишда барча имкониятлардан фойдаланмоқда.

Давлатимиз томонидан ишловчи аёлларга яратилаётган имтиёз ва гамҳўрликлар кўлами тобора ошиб бораётган бир пайтда айрим корхона ва ташкилотларда аёлларнинг ҳуқуқларини чеklang холларига йўл қўйилаётгани гоё ачинаридир. Баъзи корхоналарда эса иш берувчилар турли сабабларни рўқча қилиб, меҳнаткаш аёлларни ишдан бўшатишга чора бериб етмоқда. Бунда мазкур комиссия меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиб, адолат қарор топишида муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, Олмаликдаги «Турон» кўшма корхонасида ишлаётган Г.Садохина қонунга зид равишда 2000 йилнинг апрел ойида ишдан бўшатирилган экан. Меҳнат нисозиси бир йил давомида турли суд идораларида бир неча марта қўрилган. Ниҳоят, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг саъй-ҳаракатлари ва ишчи гуруҳи қўрган чора-тадбирлар натижасида виллоят суди аҳримига асосан Г.Садохинага иш берувчидан 600 минг сўмлик мажбурий ишсизлик даври учун иш ҳақи, унга етказилган моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.

Яна бир мисол: кўмир саноати, кимё ва энергетика тизими корхоналарида иш ҳақи икки-уч ой кечиктириб берилаётган ҳолатлар ҳам биз қўрган чора-тадбирлар натижасида мейёрига келтирилди. Ун иккита йирик корхона ва бирлашманинг жорий йил бошидаги иш ҳақидан 1,2 миллиард сўмлик қарзи 2001 йилнинг 1 октябрга келиб 3 баробарга камайtirилди. Натижада, «Ўзбекнефтегазмаш», «Ўзбекгеофиз-

ка», «Амофос», «Электрохимсаноат», «Ўзбекрезинатехника» каби бирлашмаларда ойлик маош тўловларининг ўз вақтида тўланишига эришилди.

Меҳнаткаш аёлларни ва ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, ноҳақ ишдан бўшатирилганлариди уларни ҳимоялаб, аввалги ўринларига тиклаш борасида ҳам комиссия кўплаб хайрли ишларни амалга оширди. Хусусан, Ангрэндаги «Кўмир-қурилиш» ҳиссадорлик жамиятида ноқонуний равишда ишдан бўшатирилган М.Исроилова комиссия ёрдами билан ўз ишига тикланди.

Шу ўринда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг хорижий мамлакатлар касаба уюшма ташкилотлари билан дўстона алоқалари ва ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани ҳам таъкидлаш лозим. Хусусан, ЎзКУФКнинг саъй-ҳаракатлари ва доимий эътибори натижасида касаба уюшмаларининг халқаро майдондаги фаолияти кўлами кенгайди. 1993 йилдан бери АСЕМ (Кимё, тоғкон саноати, энергетика ва бошқа турли касб ишчиларининг халқаро касаба уюшмалари Федерацияси)га аъзо бўла олганлигимиз фикримиз далилидир.

Чунки халқаро миқёсдаги тажрибалар ва услублар асосида назарий ҳамда амалий иш олиб бориш юқорида айтиб ўтилган вазифаларга тўла ечим топишда кўмак бермоқда. Зотан, АСЕМ хотин-қизлар кўмитасининг янги «Хотин-қизлар дастури лойиҳаси»да касаба уюшмаларига аёлларни кўпроқ жалб этиш ва уларнинг маъқени янада оширишга алоҳида эътибор берилган.

Мен АСЕМнинг Шарқий Оврүпо, Марказий Осиё ва Кавказ орти ҳудуди бўйича хотин-қизлар кўмитаси раиси муовини сифатида унинг халқаро анжуманларида мамлакатимизда давлатимиз ва касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларни, хусусан, аёллар ва болаларни қўли ижтимоий муҳофаза этиш, уларнинг дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлаш борасида яратилаётган имтиёз ва кўллаб-қувватлаш хусусида фахрланиб, ифтихор билан гапириш ҳуқуқига эга эканлигимдан бахтиёрман. Ҳурматли Президентимиз бошчилигида жамият ва мамлакат таракқиётининг истиқболли вазифалари собитқадамлик билан амалга оширилаётганлигини чет эллардаги кенг жамоатчилик ва таниқли арбоблар эътирофи ётмоқдалар. Хусусан, аёлларни ижтимоий ҳимоялаш борасида республикаимизда амалга оширилаётган ишлар ва тўплаган илғор тажрибалар уларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу бовис уларда мамлакатимизга келиб фаолиятимизни ўрганиш, тажриба алмашиш истига тобора кучаймоқда ва АСЕМнинг навбатдаги — «Шарқий Оврүпо ҳудудида аёллар ўрни» мавзудаги семинарини Ўзбекистонда ўтказиш белгиланди.

Ушбу семинар «Оналар ва болалар йили»га бағишланади. Унда асосан корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган аёлларнинг муаммолари, касаба уюшма ўқувларининг аёллар фаолигини оширишдаги ўрни каби масалалар кўриб чиқилади.

Мавжуда ХАЛИЛОВА, Ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раисаси.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари виллоят касаба уюшма кўмитасига 35/71 сонли халқ банки Наманган шаҳар бўлимининг уч ходими ноҳақ ишдан бўшатирилганликлари боис шиқоят билан келдилар. Улар ўзларига эмас, бошқалар ҳам раҳбарнинг кўполлигидан, адолатсизлигидан жабр кўрганлигини, ноқонуний равишда жазолар берилаётганлигини таъкидлашди.

Эътироф этилишича, банк бўлими бошқарувчиси Абдурауф Юсуповнинг юриш-туришлари кейинги пайтларда ўзгарди. Ходимларга ноҳақ жазо бериш, қўпол муомалада бўлиш унинг фаолиятида одат тусига айланди. Оқибатда шаҳар банк бўлимида носоғлом муҳит вужудга келди. Адоватнинг оти узоққа бормас, деганларни рост экан.

96-шаҳобча мудир Сошитов Мирҳомидов, 103-шаҳобча назоратчи-ҳазиначиси Шавкат Нормуродов, 104-шаҳобча назоратчи-ҳазиначиси Ёқубжон Қосимовлар ҳам А.Юсупов томонидан ноҳақ ишдан четлаштирилди. Улар нима қилари-ни билмай, виллоят касаба уюшма тармоқ кўмитасидан паноҳ излаб келдилар. А.Юсупов хабардорлигида, бошланғич касаба



МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР

Очиқ турдаги «Кўкон механика заводи» акциядорлик жамияти республикамизнинг нефт ва газ саноати дастгоҳлари учун 40 дан зиёд зарур эҳтиёт қисмлари тайёрлайди. Шунингдек, бу ерда 13 турдаги халқ истеъмолчи моллари ҳам ишлаб чиқарилади.

Суратда: кўплаб шогирдлар устози Муроджон Дехқонов. У 30 йилдан буён шу даргоҳда ишляпти.

«Куваматлукотсавдо» ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ишга тушиди. Бу ерда 80 нафар ишчи ишляпти. 8 хил нон ва 8 турдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бир ойда 60 тонна маҳсулот истеъмолчиларга етказиб бериляпти.

Суратда: макарон цехи ишчиси Зулфия Хошимова.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ҲАММАСИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ

(Боши 1-бетда)

бир қаторда келгусида бажарилиши керак бўлган вазифаларимиз ҳам аққол кўзга ташланиб қолади. Бу борада Самарқанд, Фаргона, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё виллоятлари бирлашган касаба уюшма кўмиталарида яхши кўрсаткичларга эришилди. Жорий йилда Самарқанд вилоят электр алоқа ташкилотига ойлик маошлар 28 минг сўмга етди. Оналар ва болалар йили муносабати билан аёлларга ҳомилдорлик таътили муддатидан бир ой ilgори берилмоқда.

«Навий почтаси» акциядорлик жамиятида эса ходимларнинг ўртача иш ҳақлари 11569 сўмни ташкил этади. Бу кўрсаткич ўтган йилгига қараганда, уч фоизга кўнгидир. Яна ходимларга меҳнат таътилига чиқиш пайтида 4 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Икки ёшгача болалари бор аёлларга 554 минг сўмдан зиёд ҳақ тўланди. Ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш, дори-дармон сотиб олиш учун эса 550 минг сўм сарфланди. Тармоқда кўп йил ишлаб, ҳозирда қариллик

(Боши 1-бетда)

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида 53 марта бўш ўринлар ярмаркаси ўтказилиб, унда 1538 та корхона ва ташкилот қатнашди. Уларда 8142 бўш иш ўрни аниқланди. Меҳнат бозоридоги аҳолини мўтадиллаштириш чоралари қўрилмоқда. Санация қилинган, қайта ташкил этилаётган ва банкрот деб эълон этилган корхоналар ходимларининг қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланмоқда.

Меҳнаткашларнинг манфаатларини муҳофаза этиш, уларга тегишли меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш беришда жамоа шартномалари алоҳида аҳамиятга моликдир. Жойларда корхона, ҳужалик, ташкилотлар билан 96 битим, 2896 жамоа шартномаси тузилди. Жамоа келишувларида кўрсатилган тадбирларни бажариш учун 5 миллион 553 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини кучайтириш бўйича энг яхши жамоатчилик назоратини ташкил этишда «Нефтгазқурилиштаъмир» ҳиссадорлик жамиятининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакили ва «Бухороўйлгранит» ишлаб чиқариш корхонаси касаба уюшма кўмитаси виллоят кўрик-танловининг

голиблари, деб топилдилар.

Мамлакатимизда аёллар ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш умумдавлат ишига айланган. 2001 йил «Оналар ва болалар йили»ни ўтказиш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилди. Бу йил 20066 нафар болани оромгоҳларда соғломлаштириш учун 114 мил-

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК

лион сўмлик маблағ сарфланди. Иқтидорли ўқувчилардан 100 нафари виллоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти профилаторийсида соғлиқларини мустаҳкамлади.

Кўп болали оналардан 3020 нафари санаторий ва профилаторийларда дам олдилар. Бу мақсад учун 54 миллион 832 минг, фуқаролардан 2085 кишини соғломлаштириш учун 122 миллион 681 минг сўм ажратилди.

Клуб ва кутубхоналар, «Маънавият-маърифат» марказлари республикамиз Президенти асарла-

ри, янги бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар билан тўлдирди. Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш дарслари ва бурчаклари ташкил қилинди. Ешлар ўртасида «Гийҳвандлик — аср вабоси», «Истиқлол — истиқбол», «Миллий истиқлол гоёсининг асосий тушунча ва тамойиллари» тадбирлари,

Бухорода ўтказилиши мўлжалланган «Универсиада-2002» талаба ёшларининг республика спорт мусобақаларига пухта тайёргарлик қўрилди. Август ойида умумхалқ ҳашари ўтказилиб, ундан тушган 4,5 миллион сўмлик маблағ спорт иншоотларини таъмирлашга ажратилди. Қорақўл туман Агросоат мажмуи кўмитаси раиси, виллоят кенгаши депутаты Нурмухаммад Юсупов ташаббус билан икки жойда спорт-соғломлаштириш маркази, 70 дан ортиқ қишлоқда кураш майдонлари, тадбиркор Боболул Йулдошев ҳомийлигида стадион ва теннис корти қурилди. Мавжуд 6 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидан 1594 нафар ўғил-қиз шугулланмоқда.

Ижтимоий шерикчилик ва одамлар манфаатини ҳимоя қилиш соҳасида виллоят агросоат мажмуи, тиббиёт ходимлари, энгил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хизмат, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Гийждувон, Қорақўл, Шойфирқон туман касаба уюшма кўмиталарининг фаолияти ибратлидир.

Саида САЙФУЛЛАЕВА, Бухоро вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси.

жамоа шартномалари тузилаётганда у ниҳоятда пухта ўйланган бўлиши ва шу билан бирга унинг ҳар бир банди корхона ёки ташкилотнинг имкониятидан келиб чиқиш керак. Шу билан бирга, унинг бажарилишида ҳар бир корхона, ташкилот раҳбари ҳам, касаба уюшма етакчиси ҳам бирдек масъулиятни чўқур ҳис этмоғи лозим.

Лекин бахтга қарши шундай раҳбарлар ҳам борки улар ўз имзолари билан тасдиқлаб қўйган жамоа шартномаларидаги мажбуриятларнинг айрим бандларини бажаришга локандлик билан қарашмоқда. Бунга «Наманган телеком», «Сурхондарё почтаси» акциядорлик жамиятларида йўл қўйилган камчиликлар миносол бўлади. Бундай раҳбарларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди.

Лекин ташаббус кўрсатиб ишлаётган касаба уюшма кўмиталаримиз ҳам анчагина. Масалан, Тошкент электротехника алоқа институтида таълим олаётган талабаларга бепул тушлик ташкил этиш ташкили билан «Ўзбекистон» акционерлик компанияси раҳбариятига мурожаат этган эдик. Ушбу тақлиф кўллаб-қувватланди. Натижада талабалар мазкур имтиёздан фойдаланиб келишмоқда.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК

фоизга яқини жазодан «омон» қолмаган. Текшириш жараёнида улардан 20 нафарига жазо чоралари ноҳақ қўлланилганлиги маълум бўлди. Кассир-назоратчи Б.Нарзуллаев, 032-бўлинма назоратчиси М.Хўжаева, 102-бўлинма назоратчиси Р.Искандаров, 110-бўлинма назоратчиси Ф.Ёқубжо-

ннова ва бошқа ходимлар асосиз равишда жазоланганлар.

Зотан, маъмурият билан касаба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида тузилган жамоа шартномасида қатор ноаниқликларга, қонунга зид тартиботларга йўл қўйилганлиги ҳам идорада носоғлом вазиятни яратган бўлса, ажаб эмас. Чунончи, 17-моддада «Маъмурият билан ходим

розилиги олиниши зарур эди. Лекин бундай қилинмаган. Қолаверса, меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан эътиборан маъмурият ходимга меҳнат дафтаридаги ва меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхасини бериши лозим. Охириги иш кунини меҳнат шартномаси бекор қилинган кун, деб ҳисобланади. Аммо буталаблар

чиқаришга асос бўлди. Аини жараёнда кадрлар бўлими фаолияти ҳам ўрганиб чиқилди. Бўлим фаолияти талаба жавоб бермайди.Зеро, бу ерда ҳам қатор қонун бузилиш ҳолатлари мавжуд. Буйруқлар матни Меҳнат Кодекси талабларига мувофиқ эмас, шахсий ҳужжатлар тартибсиз, идоравий хизмат тартиботлари эса мавжум.

Юқоридоги текширувдан сўнг виллоят Адлия бошқармаси бўлими бўлими Эшондада Бурхонов ва виллоят касаба уюшмалари тармоқ кўмитаси раиси Мираббос Жалилов банкининг мазкур шаҳар бўлимида бўлиши маъмурият, ходимлар бурчи ва ҳуқуқлари хусусида сўхбатлар ўтказди.

Адолат мезонларини назар-писанд қилмаган ҳаслар бир кунмас бир кун ўз фаолиятларида қоқилдилар. Эндиликда халқ банки виллоят бошқармаси бошлиги Мамуржон Турмунов, 35/71-Наманган шаҳар бўлими бошқарувчиси Абдурауф Юсупов ишда йўл қўйган қўпол камчиликлари, қонун устуворлигини таъминлаш олмаганликлари учун ўз вазифаларидан бўшатилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР

Марказий Осиё минтақаси етакчи экспертларининг яқинда бўлиб ўтган учрашуви натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси учун БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари /ЮНЕП/ бўйича тақлиф этган 12 та минтақавий муаммосидан 5 таси мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид Минтақавий лойиҳага асос бўлди.

Лойиҳага ҳаво ва сувнинг ифлосланишига, ер ва тоғлар экотизимларининг таназзулга учрашишига қарши курашиш, шунингдек, чиқиндиларга хавфсиз қайта ишлов бериш муаммолари киритилган. Шу билан бирга, тегишли тренинг ўтказилиб, «Ҳам-жиҳатлик тўғрисида меморандум» тайёрланди ва мазкур лойиҳани амалга ошириш бўйича қўлланма ишлаб чиқилди.

Ш у б ҳ а с и з, лойиҳа экологик аҳамиятга эга ва бугунги кунда уни кўллаб-қувватлаш чоралари қўрилмоқда.

(ЎЗА).

АДОВАТНИНГ ОТИ УЗОҚҚА БОРМАС

Халқимиз мусликага ўч, санъатга ошурта. Ўз сеvimли ашуласига эга бўлмаган, уни тилда бўлмас-да, дилда сакловчи киши кам топилди. Касаба уюшмалари ташаббуси билан ўтказилган оилавий ҳаваскорлар кўрик-танлови ҳам Сирдарё воҳасида муқаддас кўргонга хос ашулалар пайдо бўла бошлаганилини кўрсатди. Танлов даставвал кишлоқларда бошлангич, сўнг кўргонлар, хўжалик ва туманлар миқёсига кўчи. Ҳатто туманлараро беллашувлар голибларини ҳам аниқлашга тўри келди. Вилоят босқичида қатнашиш эса энг сар, ўз ижро маҳоратига эга, турли жанрларда беллаша оладиган оилавий дасталаргагина насиб этди.

ларни ҳам, ҳайъат аъзоларини ҳам бефарқ қолдирмади. Дастанинг ўзигагина хос ижро маҳорати-ю, ишонарли талқинлар йиғилганларни яна бир қарра

Айниқса, 7-синф ўқувчиси, оиланинг кенжаси Динора ҳақида алоҳида тўхталаш лозим. Динора Хоразмда ўтказилган ёш қизқичлар кўрик-танловининг республика босқичида ҳам фахрли иккинчи ўринни кўлга киритганди.

ашулалар, лапарлар, ҳазил кўшиқлар гулдурас қарсақлар билан олқишланди. Умри далада, гўзага сув тараш билан ўтган собиқ мироб Саидахмад Гулмуродов эса юрт ишқини кўлда дўмбира билан мадҳ этади. Етмишни қоралаётган отахоннинг фарзандлари ва набибалари ҳам дўмбира чалишади. Халқ достонлари, термалар улар мулкига айланиб бормоқда.

Андижон спорти: муваффақият омили

Олимпиада мусобақалари, кўтэ ва жаҳон биринчиликлари каби турли нуфузли беллашувларда муваффақиятли иштирок этаётган. Ўзбекистон байроғини юксак кўтарётган спортчиларимиз сафида касаба уюшма вакиллари аксар кўпчиликини ташкил этади.

ВАТАН МАДҲИ ЮРАКЛАРДА

Гулистонда оилавий ҳаваскорлик дасталари кўрик-танлови поёнига етди

хушёрлик, огоҳликка даъват этгандек бўлди. Тиббиёт ходимаси, оила бекаси Зилола Сагатов фарзандларини санъатга ошно қилибгина қолмай, уларни юртга садоқат руҳида тарбиялашга интиломоқда. Zero, Ирода, Марҳамат, Динораларнинг чиқишлари қизгин кўтиб олинди.

танловининг республика босқичида ҳам фахрли иккинчи ўринни кўлга киритганди. Халқ таълими тизимида фаолият юритаётган Ҳамробек Қамбаров саз олиб, кўшиқ куйлашни ёқтиради. Мухими, ундаги ишқибозлик оила аъзоларини ҳам четлаб ўтмаган. Улар ижросида янграган мумтоз

ОММАВИЙ МУСОБАҚАЛАР

анъанавий тус олаётир

Айни вақтда республика касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят бошқаруви таркибида 14 та туман ва 4 та шаҳар жамият бошқарувлари фаолият кўрсатиб, улар шунингдек, 5 та олий ҳамда 22 та ўрта махсус ўқув юрталари билан иш олиб бормоқда.

бугун айнан мана шу мактабларимизда камол толомоқда. Дарвоқе, жамият тасарруфидида 10 та БўСМ бўлиб, уларнинг етти таси Хўжабод, Андижон, Балиқчи, Булоқбоши, Олтинкўл ва Пахтабод (2та) туманларида жойлашган. Бу спорт мактабларида юзлаб истеъдодли кишлоқ ёшлари 60 нафарга яқин тажрибали мураббийлар раҳбарлигида турли спорт турлари билан шуғулланмоқдалар. Андижон ва Асака шаҳарларидаги 1-, 2- ва 3-БўСМларда эса 800 нафардан ортқ тарбияланувчилар қайкида эшак эшиш, сузиш, мерганлик, энгил атлетика, шахмат, бокс, эркин кураш, дзюдо бўйича машгулотларда ўз маҳоратларини оширишмоқда. Умуман жамиятга қарашли барча спорт мактабларида айни пайтда 2868 нафар ўғилкиз мунтазам тарзда спортнинг у ёки бу тури билан машгул.

ка чемпионатида 1-БўСМ эркин кураш бўлими тарбияланувчилари — Маҳмуд Камолов ва Мирзо Холмирзаевлар 46 ҳамда 85 килограмм вазн тоифаларида мамлакат чемпиони деган номга сазовор бўлдилар. 17-21 апрел кунлари эса Самарқанд шаҳрида дзюдо бўйича мамлакат биринчилиги ўтказилди. Унда мазкур спорт мактаби дзюдочилари — Дилноза Қамбарова, Ботир Жаборов, Жасур Мусаевлар голиб ва совриндорлар сазидан жой олишди. Июл ойининг бошларида Каскелен шаҳрида ўтказилган Козогистон Президентини соврини учун бокс бўйича халқаро турнирда 2-БўСМнинг ёш боксчиси Нодир Айсақов 67 килограмм вазн тоифасида бронза медали сохиби бўлди. Самарқанд вилояти Нарпай туманида ташкиллаштирилган «Олтин бошқоқ» футбол беллашувларида «Асакадон» жамоаси иштирок этиб, фахрли 3-ўринни эгаллади.

Жамият бошқаруви ҳар бир меҳнат жамоасида жисмоний тарбия ва спортнинг тарғибу тарғиб ишчи-ходимлар ўртасида спорт оммавийлигига эришиш ишига муҳим вазифа сифатида ёндошиб, бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда. Кувончили, бу тадбирларда минглаб ишчи-хизматчилар иштироки таъминланадиган. Турли саналар муносабати билан ўтказилган мусобақалар эса анъанавийлик тусини олаётир. Шунингдек, виллоят кўлаб турнир ва мусобақалар ўтказиш майдонига айланмоқда. Бу ҳам бежизга эмас, чунки виллоят касаба уюшмалари кенгаши ҳамда жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви ташаббуси, ҳомиёлиги билан спорт тараққиётига мустақкам замин яратилган.

Камол Оллоев, «Ишонч» муҳбири.

Қайнар Булоқ

«Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналининг учинчи сони нашрдан чиқди. Журнал халқимизнинг юксак ақл-заковати, қадок қилим ва ҳалол меҳнати эвазига қад қўтарган, республикамиз кўрига кўрк бўлиб кўшилган, меъморий ечимлари билан жаҳон аҳлини лол қолдираётган иншоотларнинг суратлари ҳамда уларнинг яратувчиси Президентимиз билан халқнинг ўзаро яқинчилигини ақс эттирувчи сурат билан бошланади. Ва эътироф этиш керакки, унда чоп этилган мақолаларда она заминимиз табарруклигини англатувчи оламолам маъно жо бўлган жиҳатлар ҳусусида баҳоли-қудрат сўз юритилади.

Хусусан, «Абадий баҳадёр китоб» руки остида чоп этилган мақола муштарийга жуда катта маънавий озуқа беради. Унда кўчирилганига салкам 200 йил бўлган, оғирлиги 21-22 кг келадиган, шўро тузуми даврида қизга ўралиб, девор орасида 65 йил сакланган Куршоннинг ажайиб нушаларидан бири ҳақида ҳикоя қилинади.

Беруний, Мирзо Улуғбек каби аждодларимизнинг кўшган салмоқли хиссаси, Шарқ-Ғарб ҳамкорлиги ҳусусида сўз боради.

Яна кўлаб мақолалар чоп этилганки, уларни муролаа қилган ҳар киши ўзига бир нарса олади. Дарвоқе, «Наср ул-Лаолий» кимнинг асари, «Назм ул-жавоҳир»да ҳазрат Алининг нечта ҳикмати келтирилган, бу ҳикматларнинг асли қайси тилда бўлгану, Алишер Навоий уларни қайси жанрда ифодалаган, Навоий фардларининг замирида қандай маънолар жо бўлган, деган саволларга жавоб олишни исхотайсизми? У ҳолда филология фанлари номзоди С.Ғаниеваннинг «Ҳар бирини тўрт дурри гавҳар дегил» ва профессор А. Абдуғафоровнинг «Эзуликка етакловчи фардлар» номли мақолаларини ўқишни тавсия этамиз.

«Истиқлолимизнинг шонли 10 йиллигига» бағишланган руқи Ўзбекистон муслмонлари идорасининг раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромовнинг «Истиқлол ва виждон эркинлиги» мақоласи билан бошланади. Унда ўтган ўн йил ичида 35 мингдан зиёд киши тарбарруқ Ҳаж сафарига борганлиги, бундан-да кўпроқ юртдошларимиз Умра зиярати адо этиганлиги, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурхониддин ал-Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳрудин Нақшбанд каби унлаб аждодларимизнинг ёдгорлик обидалари қайта таъмирланиб, халқимизга инъом этилгани ҳусусида сўз боради.

Самарқанд вилояти имом-хатиби Ҳожи Усмоноҳон Темироҳон ўғлининг «Ҳақиқатга айланган армон» номли мақоласида 1959 йилда Ливан муфтийси Жисрий жанобларининг «эмақлаб бўлса ҳам Имом ал-Бухорий пиримини зиярат қилишим керак», деб Хартанга борганлиги ва Индонезиянинг собиқ президенти Сукарно жанобларининг улуг аждодимизга ихлоси ҳақидаги воқеий ҳикоялар келтирилган.

М. Мухитдиновнинг «ал-Хоразмидан Интернетга» номли мақоласида олиманинг АКШ сазидан фари таассуротлари, компьютерларнинг яратилишига Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райхон

Абулмуъин ан-Насафий ким, у ёган асарларнинг сони нечта ва улар қандай номланган, шоир ва давлат арбоби бўлган Бобуршоҳнинг фақиҳ, деб аташ мумкинми? Бу саволларнинг жавоби филология фанлари номзоди У. Уватовнинг «Абулмуъин ан-Насафий ва унинг асарлари» ва Н. Жабборовнинг «Бобур ва ислом ҳуқуқшунослиги» номли мақолаларида берилган.

Шунингдек, журналда ёшларга мўлжалланган «Имом ал-Бухорий авлодлари» номли журналча илова қилинган бўлиб, ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини оширишга қаратилган мақолаларда нодир кўлэзма манбалардан олинган маълумотлар ва ибратли ҳикоялар бор. Уларни ўқиган инсон, шубҳасиз, маънавий баркамоллик зинапојасидан яна бир поғона кўтарилди.

Тошкентда ўтказилган «Фойдали ерсти қазилмалари конларини ўзлаштиришни долзарб муаммолари» деб номланган халқаро илмий-техника конференциясида 30 дан ортқ маъруза тинланди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология ва геофизика институти ташаббуси билан ташкил этилган бу анжуманда ҳамдўстлик мамлакатлари геолог олимлари ҳам фаол иштирок этидилар.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Россия Федерацияси Илмий марказлари томонидан қилинган илмий чиқишлар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Россия биосфера геокимёси илмий текшириш институти профессори В. Алексоннинг метал конлари истиқболларига доир маърузасида ҳам геология фанининг муҳим масалалари ёритиб берилди.

Бундан ташқари Магадан, Москва илмий марказларида фаолият кўрсатаётган геолог олимлар ҳам қизиқарли маърузалар билан қатнашдилар.

А. АКБАРОВ.

МИНОРА ТИКЛАНДИ

Бухородаги 18-асрда бунёд этилган Болоҳовуз масжид-мажмуининг қарийб 15 метрлик минораси ён томонга оғиб қолган эди. Яқинда бухоролик таъмирловчилар минорани инженер Владимир Шухов усули билан аслига қайтарди.

Ўтган асрда Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг чап минораси, Бухородаги Говқушон тарихий мажмуадаги минора ҳам шу усул билан тикланганди.



КўП ЎРГАНГАН ОҚИЛ БЎЛУР

Тошкент давлат Техника университети 20 га яқин мамлакатдаги 40 га яқин ўқув даргоҳлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Шулардан 29 таси билан Ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилган.

Олий ўқув юртининг Энергетика факультетида амалга оширилган илмий ишларнинг асарияти халқаро дастур бўйича бажарилаётганлиги кувонарлидир. Факултетнинг бир гуруҳ талабалари учун Германияда амалиёт ўтиш машгулотлари ташкил этилди. Бундай

маърифий тадбир халқаро ДААД жамғармаси ҳамкорлигида амалга оширилди.

Энергетика ва механика факультетларининг бир неча нафар талабаси эса Жанубий Кореяда, «Бизнесни бошқарув» факултети талабалари Япониядаги грант сохиби сифатида Япония университетларида тахсил кўрмоқдалар.

Халқаро «ТЕМПУС-ТАСИС» дастури амалга оширишда ҳам олий ўқув юрти олимлари фаоллик кўрсатмоқда.

кўрсатиш, кези келганда рағбатлантириб бориш керак. Шу мақсадда жамиятимизда БўСМ директорлари кенгаши ҳамда ташкилий ва молия бўлимлари билан бир қаторда кишлоқ ёшлари билан ишлаш бўлими ҳам фаолият кўрсатаётир. Шу билан бирга тасарруфимиздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига катта эътибор қаратилмоқда. Чунки эртанги чемпионларимиз

«Семурғ» - «Кимёгар» - 3:0, «Қизилқум» - 1:5, «Навбахор» - «Трактор» - 3:0, «Не-Дўстлик» - 4:3, «Сур» - «Сўғдиёна» - хон» - «Турон» - 4:1, 5:1, «Андижон» - «Са-«Насаф» - «Зарафшон» - марқанд-Д» - 4:3.

Футбол

БИР ТУРДА 40 ТўП

Биз бу ҳақда аввалги ҳисоботларимизнинг бирида ҳам фикр билдириб ўтган эдик. Шароит тақозоси билан ушбу мавзуга яна қай-тмоқдамиз.

Билмадик, балки бундан кувониб керакдир. Лекин жиддий ўйлаб қаралса, бу ҳимоя чизқиларидаги мавжуд камчилик-нуқсонлар жуда аста-секинлик билан бартарарф этилаётганини аниқлашди. Шундай кезларда терма жамоамиз Жаҳон чемпионати саралаш босқичи ўйинларида қанча тўп ўтказиб юборганини алам билан эсламай бўларканми? Ҳатто Уммондек ўртамеъна жамоа ҳам Поляков кўриқлаётган дарвозани тўрт марта нишонга олганини яна қандай баҳолаш мумкин?

жуда кўпчилик жамоаларга, хусусан, «Пахтакор», «Дўстлик», «Навбахор» клубларига ибрат қилиб кўрсатиш ўринлидир. Бу сўзларни бежизга айтаётганимиз йўқ. Чунки биз юқорида тилга олган жамоалар ўз вақтда чемпионлик унвонини кўлга киритган бўлсалар-да, аммо негидир ўйин услубларини йўқотиб, ўз мавқеларини ушлаб қололмадилар. МСХК жамоасининг эса умуман номи ўчиб кетди.

Шарҳимиз сўнггида 33-турда киритилган тўплар куйидаги натижалар туфайли қирқтага етганини эслатиб қўймоқчимиз: «Академия» - «Пахтакор» - 2:1,

33-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Нефтчи»	30	24	3	3	83-24	75
2. «Насаф»	30	20	5	5	75-40	65
3. «Навбахор»	32	19	1	12	72-49	58
4. «Пахтакор»	28	18	3	7	56-28	57
5. «Академия»	30	13	10	7	64-43	49
6. «Қизилқум»	30	15	4	11	43-31	49
7. «Дўстлик»	30	13	5	12	68-49	44
8. «Трактор»	30	12	7	12	51-52	43
9. «Сўғдиёна»	32	13	4	15	42-50	43
10. «Андижон»	31	13	3	15	54-56	42
11. «Самарқанд-Д»	32	13	3	16	57-63	42
12. «Зарафшон»	30	11	6	13	48-48	39
13. «Бухоро»	29	12	2	15	47-53	38
14. «Металлург»	31	8	11	12	34-57	35
15. «Сурхон»	31	11	1	19	38-67	34
16. «Кимёгар»	30	7	6	16	32-52	30
17. «Турон»	31	8	6	17	37-65	30
18. «Семурғ»	31	2	4	25	34-105	10

Бу — қизик

ЖОМЕ МАКЕТИ

Швейцариялик бир ҳаваскор йигирма йил вақт сарф қилиб, Милан жамоасининг жаҳми нусхасини ясади. Бу ажайиб макет бир миллион 800 миң донга гурӯддан тайёрланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши касаба уюшмалари Бухоро виллояти кенгашининг собиқ раиси **Аҳмад ХОДЖАЕВИНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изхор этади.

Тошкент Халқ хўжалиги институти томонидан 1992 йилда Сағдиев Бахтиёр Мирвоҳидовичга берилган ЦВ 774052 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ISHONCH
МУАССИС:
 Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
 Эркин Воҳидов, Жория Алимўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Оstonов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
 Босишга топшириш вақти - 21.00
 Топшириш вақти 21.15

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот Кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютеризация теринди ва сақланадиган. Офсет усулида босилди. Вичини А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
 «Шарқ» нашриёт-матбав акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.